GROSS INSURANCE

**Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш**
**ШАРТНОМАСИ 14/57/** 0523

Самарканд ш 2022 йил «17» Январ

Кейинги уринларда **"Сугурта килдирувчи"** деб аталадиган Сон бил СЭО ва ИСХБ ____________ асосида харакат киладиган ____________ -бош бошкарма бошлиги бир томондан, ва Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2016 йил 25 апрелда берилган серия СФ 00214-сон лицензия асосида харакат киладиган, кейинги уринларда **"Сугурталовчи"** деб аталадиган **«GROSS INSURANCE» МЧЖ** 2021 йил 1 декабрдаги №281-сонли Ишончнома асосида харакат киладиган Самарканд вилояти филиали директори **Ш. Ю. Абдуллаев**, иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар тугрисида тузди-лар:

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. «Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш тугрисида»ги Узбекистон Республикаси Конунига асосан транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар хаёти, соглиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг урнини коплаш буйича фукаролик жавобгарлиги конун хужжатларига мувофик юзага келиши билан боглик булган мулкий манфаатлари мажбурий сугурта объектидир.

1.2. Ушбу шартномага киритилмаган шартлар буйича Узбекисгон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли Карорига илова килинган Коидаларга амал килинади.

**2. СУГУРТА ХОДИСАСИ**

2.1. Транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчиларнинг хаёти, соглиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун сугурта килдирувчининг ёки транспорт воситаси эгасининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш шартномаси буйича жавобгарлиги сугурталанган бошка шахснинг фукаролик жавобгарлиги юзага келиши сугурта ходисаси хисобланади.

**3. ИСТИСНОЛАР**

3.1. Куйидагилар окибатида транспорт воситалари эгалари фукаролик жавобгарлигининг юзага келиши сугурта ходисаси хисобланмайди:

3.1.1. Мажбурий сугурта буйича сугурта полисида курсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланишда зарар етказиш;

3.1.2. Маънавий етказилган зарар ва (ёки) бой берилган фойданинг урнини коплаш буйича мажбуриятнинг юзага келиши;

3.1.3. Транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобакалар, синовлар ёки укув хайдови давомида фойдаланишда зарар етказилганлиги;

3.1.4. Атроф мухитнинг ифлосланиши;

3.1.5. Ташилаётган юк таъсирида зарар етказилиши, агар бундай жавобгарлик мажбурий сугуртанинг тегишли тури тугрисидаги конун хужжатларига мувофик мажбурий сугурта килиниши керак булса;

3.1.6. Ходимлар хизмат ёки мехнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг хаёти ёки соглигига зарар етказилиши, агар бу зарарнинг мажбурий сугуртанинг тегишли тури тугрисидаги конун хужжатларига мувофик иш берувчи томонидан копланиши лозим булса;

3.1.7. Йуловчининг хаёти, соглиги ва (ёки) мол-мулкига зиён етказилганлиги туфайли келиб чиккан зарарларнинг урнини ташувчи томонидан коплаш мажбурияти;

3.1.8. Хайдовчининг узи бошкараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга урнатилган асбоб-ускуналарга зарар етказилганлиги;

3.1.9. Юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси булган корхона, муассаса ёки ташкилот худудида харакатланганида зарар етказилганлиги;

3.1.10. Нодир ва бошка ноёб буюмлар, меъморий ёдгорликлар, кимматбахо ва ярим кимматбахо тошлар ва металлардан ишланган буюмларга, диний кадриятга эга буюмлар, санъат асарлари, кулёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга хамда интеллектуал фаолиятнинг бошка махсулларига, кимматли когозлар, накд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикоят етказилганлиги ёки уларнинг йук килинганлиги;

3.1.11. Жабрланувчиларнинг сугурта ходисаси юзага келишига каратилган касддан килган хатти-харакатлари натижасида етказилган зарар.

3.2. 3.1. бандида курсатилган холларда транспорт воситаси эгаларининг фукаролик жавобгарлиги юзага келган такдирда етказилган зарарнинг урни улар томонидан конун хужжатларига мувофик копланиши керак.

**4. СУГУРТА СУММАСИ, СУГУРТА МУКОФОТИ**

4.1. Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлиги буйича сугурта суммаси хар бир транспорт воситаси учун 40 000 000,00 (Кирк миллион) сумга тенг булган суммада белгиланади. Улардан:

а) жабрланувчи мол-мулкига етказилган зарар учун - сугурта суммасидан 35 фоизгача;

б) жабрланувчи хаёти ёки соглигига етказилган зарар учун - сугурта суммасидан 65 фоизгача;

4.2. Транспорт воситаларининг сони 1 ( бир ) **дона**.

4.3. Сугурта шартномаси буйича умумий сугурта суммаси 40 000 000 ( Кирк миллион сум ) **сум.**

4.4. Хар бир транспорт воситаси учун сугурта суммаси сугурта полисида, миллий валютада 2017 йил 29 август кундаги Узбекистон Республикаси Марказий Банки курси буйича белгиланади (2017 йил 04 сентябрдаги УзР Молия Вазирлигининг хатига асосан).

4.5. Сугурта мукофоти буйича хисоб-китоблар хар бир транспорт воситаси учун УзР ВМнинг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли карори билан тасдикланган транспорт воситалари эгаларининг фукаролик мажбуриятлари сугуртаси Коидалари асосида амалга оширилади.

4.6. Ушбу шартномага такдим этилган ариза-анкеталар асосида умумий сугурта мукофоти суммаси 120 000 0

( Бир юз йигирма минг сум ) **сум.**

4.7. Сугурта мукофоти бир вактнинг узида накд пулсиз шаклда, 2017 йил 29 август кундаги Узбекисгон Республикаси Марказий Банки курси буйича миллий валютада туланади (2017 йил 04 сентябрдаги УзР Молия Вазирлигининг хатига асосан). Сугурталовчининг мажбурияти мазкур шартнома буйича пул маблаглари сугурталовчининг (вакили) банкдаги хисоб ракамига келиб тушгандан сунг кучга киради.

4.8. Агар мажбурий сугурта шартномаси амалда булган даврда сугурталовчи жабрланувчига сугурта товони туласа, у холда Сугурта килдирувчи Сугурталовчидан сугурта товони туланганлиги тугрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки хафга муддатда туланган сугурта товони суммасига ва мажбурий сугурта шартномаси амал килишининг колган муддатига мутаносиб равишда кушимча сугурта мукофотини тулайди.

**5. СУГУРТА ШАРТНОМАСИ МУДДАТИ**

5.1 Ушбу мажбурий сугурта шартномаси сугурта мукофоти тулангандан сунг кучга киради, шартнома муддати сугурта полисида курсатилади.

5.2. Сугурта полиси ва махсус давлат белгиси сугурта мукофоти тулангандан сунг такдим этилади.

**6. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Сугурта килдирувчининг мажбуриятлари:

6.1.1. Сугурта мукофотини ушбу шартноманинг 4.6. бандига асосан тулаб бериши.

6.1.2. Хайдовчиларни (ходимларни) ЙТХ содир булганда ДЙХХБ ходимларини кутиши ва жабрланувчи (унинг меросхури ёки хукукий вориси)га мажбурий сугурта полиси нусхасини такдим этишлик тугрисида огохлантириши.

6.1.3. Сугурта ходисаси содир булганда:

- ЙТХ содир булганда кечиктирмасдан узоги билан 72 соат ичида ёзма равишда сугурта полиси нусхаси билан сугурталовчини сугурта ходисаси тугрисида УзР ВМнинг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли карори 6-иловасига мувофик хабардор этиш.

6.2. Сугурта килдирувчининг хукуклари:

6.2.1. Сугурта килдирувчи жабрланувчига етказилган зарарнинг урнини сугурталовчининг ёзма розилиги билан уз хисобидан копласа, сугурта килдирувчи етказилган зарарнинг урнини коплаш тартибида узи амалга оширган туловларни тасдикловчи хужжатларни такдим этгандан сунг сугурта товонини олиши мумкин.

6.3. Сугурталовчининг мажбуриятлари:

6.3.1. Жабрланувчига (унинг меросхурига ёки хукукий ворисига) ёки сугурта килдирувчига (агар сугурта товони уз хисобидан амалга оширилган булса) шартномада курсатилган холларда сугурта товонини тулаш тугрисидаги карори кабул килинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга ошириш;
6.3.2. Сугурта полиси ва махсус давлат белгиси бланкаси йукотиб куйилган такдирда унинг дубликатларини такдим этиш. Дубликатлар сугурталовчи томонидан сугурта килдирувчи мурожаат килган ва у дубликатларни тайёрлаш буйича харажатларни тулаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.
6.4. <u>Сугурталовчининг хукуклари:</u>
6.4.1. Агар шикастланган мол-мулкни ёхуд унинг колдикларини куздан кечириш ва мустакил экспертиза килишга (бахолашга) кадар ушбу шартнома талабларига мувофик амалга оширилган шу мол-мулкни таъмирлаш ёки унинг колдикларини утилизация килиш сугурта ходисасининг мавжудлигини ва мажбурий сугурта шартномаси буйича урни копланиши лозим булган зарарларнинг микдорини тугри аниклаш имконини бермаса, сугурталовчи жабрланувчига (унинг меросхурига ёки хукукий ворисига) сугурта туловини ёки унинг бир кисмини тулашни рад этишга хакли.

## 7. СУГУРТА ТОВОНИНИ ТУЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Сугурта товони етказилган зарар микдорида, лекин сугурта пулидан ошмаган микдорда сугурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхури ёки хукукий ворисига) тулаб берилади.
7.2. Агар сугурта ходисаси содир булганда сугурта товони туловлари бир нечта жабрланувчига (уларнинг меросхурларига ёки хукукий ворисларига) туланиши керак булса ва уларнинг сугурталовчига билдирилган талаблари суммаси сугурта товони микдоридан ортик булса, сугурта товони хар бир жабрланувчининг барча жабрланувчилар (уларнинг меросхурлари ёки хукукий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда туланади.
7.3. Агар сугурта килдирувчи (фукаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси буйича сугурталанган бошка шахс) жабрланувчига етказилган зарарнинг урнини сугурталовчининг ёзма розилиги билан уз хисобидан копласа, сугурта килдирувчи (фукаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси буйича сугурталанган бошка шахс) етказилган зарарнинг урнини коплаш тартибида узи амалга оширган туловларни тасдикловчи хужжатларни такдим этганидан кейин сугурталовчи сугурта килдирувчига сугурта туловини тулайди.

Ушбу холат буйича куйидаги хужжатларни такдим этиши керак:
- сугурта полиси;
- зарар етказилганлиги фактини ва зарар микдорини тасдикловчи хужжатлар (йул - транспорт ходисаси тугрисидаги хулоса ёки карор, тиббиёт муассасаси маълумотномаси ёхуд хаётга ёки согликка зарар етказилганлигини тасдикловчи бошка хужжатлар, улим хакидаги далолатнома ёхуд гувохнома);
- мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар микдорини тасдикловчи хужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кучирмалар, тулов хужжатлари, хизматлар курсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар, мол-мулкни мустакил бахолаш далолатномалари ва бошка шу кабилар);
- жабрланувчининг шахсини тасдикловчи хужжат;
- мерос хукукини ёки хукукий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхурларнинг шахсиини ёки хукукий ворисларнинг давлат руйхатидан утказилганлигини тасдикловчи хужжатлар (агар сугурта товони жабрланувчининг меросхурларига ёхуд хукукий ворисларига туланиши керак булса).
- банкнинг тулов амалга оширилганлиги тугрисидаги белгиси куйилган тулов топширикномаси нусхаси;

7.4. Сугурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошка шу каби туловларни копламайди.
7.5. Сугурта товонини тулаш сугурталовчининг сугурта товонини тулаш тугрисидаги карори кабул килинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

## 8. РЕГРЕСС ТАРТИБИДА ТАЛАБ КИЛИШ ХУКУКИ

8.1. Сугурта килдирувчи зарар етказган шахсга (сугурта килдирувчига, фукаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси буйича сугурталанган бошка шахсга) узи тулаган сугурта тулови микдорида куйидаги холларда регресс тартибида талаб килиш хукукига эга, агар:
а) мазкур шахснинг касди окибатида жабрланувчининг хаёти, соглиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган булса;
б) зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик холатида ёки гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг акл-идрокига таъсир курсатувчи бошка моддалар таъсири остида бошкарилаётганда етказилган булса;
в) мазкур шахс узи фойдаланаётганда зарар етказган, транспорт воситасини бошкариш хукукига эта булмаган булса;
г) мазкур шахс йул-транспорт ходисаси содир булган жойдан яширинган булса;
д) мазкур шахс транспорт воситасини бошкаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий сугурта шартномасига киритилмаган булса (транспорт воситасидан факат мажбурий сугурта шартномасида курсатилган хайдовчилар фойдаланиши шарти билан мажбурий сугурта шартномаси тузилганда);
е) сугурта ходисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий сугурта шартномасида назарда тутилмаган аник даврда фойдаланаётганда содир булган булса (транспорт воситасидан мажбурий сугурта шартномасида назарда тугилган даврда фойдаланиш шарти билан мажбурий сугурта шартномаси тузилганда).

8.2. Бунда сугурталовчи мазкур шахсдан сугурта ходисасини куриб чикишда килинган харажатларни коплашни хам талаб килишга хаклидир.

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Ушбу шартнома мажбуриятлари бажарилганда ёки лозим даражада бажарилмаганда сурурталовчи ва сугурта килдирувчи амалдаги Узбекистон Республикаси Конунчилиги буйича жавобгар буладилар.
9.2. Ушбу шартномани бажаришда юзага кепадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар уртасида музокаралар йули билан хал этилади, музокаралар хал булмаган такдирда амалдаги Узбекистон Республикаси Конунчилигига мувофик хал этилади.

## 10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**СУҒУРТАЛОВЧИ:**

**«GROSS INSURANCE» МЧЖ Самарканд вилоят филиали**
Манзил: Самарканд ш., О. Махмудов кучаси, 7 уй
Х/р: 2020 8000 9049 4415 7010
Банк: «Траст Банк» ХАБ СФ,
Банк коди: 01097, СТИР: 207 135 501
ХХТУТ: 96220
Тел: (95) 196-23- 05, Факс:(366) 233-32-13

**Суғурталовчи номидан:**
**Директор Абдуллаев Ш.Ю.**
__________ (имзо)

М.Ў.

**СУҒУРТА КИЛДИРУВЧИ:**
[illegible]

Манзил: [illegible]
Х/р: [illegible]
Банк: ______
Банк коди: 00014, СТИР: 202316556
ХХТУТ: ______
Тел: ______, Факс: ______

**Суғурта килдирувчи номидан:**
**Директор:** [illegible]
__________ (имзо)

М.Ў.

Илова: Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий буйича сугурта килиш Коидасидан нусха

